



ҲАФТА МАВЗУСИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА **2-бетда**

ЎЙИНЛАР ОРТИДАГИ “ЎЙИНЛАР” **5-бетда**

ҚИЗИНГИЗГА ВАҚТ АЖРАТАСИЗМИ? **6-бетда**

# Оила ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислоҳ КАРИМОВ

33 (1288)-сон 17 август 2016 йил  
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

# Жамият

## ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШНАЁТГАН БУХОРО!

Истиқлол йилларида Бухоро вилоятида ҳам беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бундан ўн-ўн беш йил аввал Бухорода меҳмон бўлган сайёҳ бугун кўзга ва нафқирон шаҳарни таниёлмаслиги аниқ. Кўзни қуёнатлар билан, замонавий боғ ва хибонлар, кенг ва раво кўчалар шариф шаҳарнинг кўркам бағишламоқда. Бугунгача вилоятда катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, сўнги саккиз йилда вилоят мамлакатимизнинг энг йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётган ҳудудларидан бирига айланди.

Ҳозир вилоятда 23 йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар сирасида “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи”, “Бухоропахтасаноат”, Бухоро “Гаақазбишлабчиқариш” ХЖ, “ДЭУ текстиль Бухара” хорижий корхонаси ва “Евроснар” масъулияти чекланган жамияти алоҳида эътироф этилади. Хусусан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг йиллик қуввати 2,5 млн. тонна ташкил қилиб, юқори сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Вилоят иқтисодиётида истиқболли йирик лойиҳалардан бири Қандим

газни қайта ишлаш мажмуасидир. Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси барпо этилиши Ўзбекистон газ конларини ўзлаштиришни янги босқичга кўтаради. Марказий Осиёдаги йирик ишлаб чиқариш мажмуаларидан бири бўлган мазкур завожда 2 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

“ДЭУ текстиль Бухара” хорижий корхонаси эса мамлакатимизда ип-калава ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан саналади. Мазкур саноат корхонасида 850 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Ким эдигу ким бўлдик?

СОҒЛОМ БОЛАМ,  
АЛЛА-Ё, ПОЛВОН  
БОЛАМ, АЛЛА...



Она гўдагини дунёга келтирар экан, уни ўзидан-да ортиқ суяди. Ахир у юртининг бир парчаси.

Қаранг-а, энг сўнги русумдаги тиббиёт ашаратлари ҳали дунёга келмаган гўдак ҳақидаги барча маълумотларни аниқ ва раво айтганига не дейсиз...

Онанинг қувончи ичига сизмай алла айтишни бошлайди:

*Бахт қўйиш порлаган,  
юртнинг ўғлини алла,  
Тинчлик учун чорлаган,  
элим кўргони алла.  
Хумо бошига қўнган,  
марду давроним алла,  
Келажакка йўл очган  
баланд нарвоним алла.*

Ҳа, мустақил юрт фарзандларининг толеи баландлиги учун бугун бобо-буваларимиз шукроналар айтиб, дуога қўл очади.

Эсимда, бувим раҳматли сочимни тараб ўтириб, йиғлаб юборган эди. Чунки пахта яккаҳокимлиги даврида кўшнисининг энди эмаклаган боласи пахтазорда қолиб кетган экан. Уни ахтариб топишса, беҳуш ётган эмиш. Сал аввал самолётда дори сеиб ўтганини эслаган аёллар уни дарров шифохонага олиб югуришибди. Аммо йўлда боланинг жони узилди. Шунда аёл бу жудоликдан қуйиб, уч кун уйдан чиқмаган экан. Чиқ ишга, деб қанча одам келибди.

...Мана 25 йилдирки, она ва бола саломатлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жойларда патронаж ойлтигидан тортиб, ҳафта кунларида соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилган. Энди болаларимиз пахтазорларга ораламайди, кўнгил нохушликлари орта қолганидан бувим шод юрди. Кейинги йилларда жойларда ёш оила қурувчилар тўғарақлари ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу орқали ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ўсишига эришилмоқда.

Биз Теурийдлар, Хоразмийдлар, Фарғонийлар авлодимиз. Бу юрда туғилган ҳеч бир фарзанд эътибордан четда қолмайди.

Мунисхон ФАЙЗИЕВА,  
Бекобод шаҳар ФХДЭ инспектори

## СОҒЛОМ ВА ГЎЗАЛ ҚИЗЛАР МУСОБАҚАСИ



Пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги Республика ихтисослаштирилган сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазири, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Сузиш федерацияси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида ўсмир қизлар ўртасида сузиш бўйича мусобақа ўтказилди.



В а т а н и м и з м у с т а қ и л л и г и н и н г 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур мусобақада пойтахтимиз туманларидан 110 нафар 11-14 ёшли ҳаваскор спортчи қиз иштирок этди.

Мусобақанинг очилишида Президентимиз раҳнамолигида ҳадимиз, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитларни яратиш, спортнинг нафис турларини ривожлантириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор

қаратилаётгани таъкидланди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан бир қатор тадбирлар, ижтимоий акциялар, турнирлар ташкил этмоқда. «Гимнастика барча учун», «Отам, онам ва мен – спортчи оила» каби мусобақалар шулар жумласидан.

– Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашиб бораётгани оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. – дейди Олмасор туманидаги «Ҳазратимом» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Турсунова. – Маҳалламизда ҳам ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

Мусобақада сузишнинг турли йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

uza.uz сайтидан олинди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Жойларда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида, "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида аёллар спорт фестиваллари бўлиб ўтмоқда.

Вилоят Хотин-қизлар кўмиталари, касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, Маданият ва спорт ишлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Халқ таълими бошқармалари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур мусобақалар Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Жорий йилнинг 30 юлига қадар Навоий вилоятининг барча шаҳар ва туманларида аёллар спорт фестивалининг дастлабки босқичлари ўтказилди. Мусобақаларда 6 минг нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди.

– Спорт фестивалининг вилоят босқичига пухта тайёргарлик кўрилди, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Содикова. – Мусобақалар ўтадиган спорт иншоотларида зарур шарт-шароитлар яратилди. "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" вилоят бўлими томонидан спорт турлари бўйича керакли спорт анжомлари ва жиҳозлари етказиб берилди. Аёллар спорт фестивалида 336 нафар хотин-қиз ғолиблик учун кураш олиб борди. Спорт билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётгани ушбу фестивалнинг худудий босқичларида янада яқол намоён бўлди.

Спортнинг волейбол, стол теннис, гимнастрада, шахмат, дарте, сузиш, енгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мусобақада Навоий шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга Кони-мех ҳамда Қизилтепа тумани жамоалари сазовор бўлди.

Бугун Андижон вилоятида 20 мингдан зиёд хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Вилоятда ўтказилган аёллар спорт фестивалида 17 жамоа ўзаро баҳс юритди.

– Вилоятда 4 мингдан зиёд спорт мажмуаси фаолият юритмоқда, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзура Юнусова. – Хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча қулайлик яратилган. Айни пайтда вилоятда 20 мингдан зиёд хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, 115 мингга яқин оммавий спорт турларига жалб этилган. Бу оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли сало-

матлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасида ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур фестивалнинг маҳаллалар, меҳнат жамоалари, туман ва шаҳар босқичларида 95 мингга яқин хотин-қиз иштирок этгани фикримиз тасдиғидир.

Балиқчи тумани вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Пахтабод тумани жамоаси иккинчи, Андижон шаҳри жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

\*\*\*

Аёллар спорт фестивалининг Жиззах вилояти босқичида 273 нафар хотин-қиз иштирок этди. Мусобақада Жиззах тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга Жиззах шаҳри ва Зомин тумани жамоалари сазовор бўлди.

– Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли уларнинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароитлар яратилмоқда, – дейди вилоят хотин-қизлар кўмитаси котибият мудири Нодира Алимова. – Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом фарзанд соғлом оилада улғаяди.

\*\*\*

Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган аёллар спорт фестивалининг Тошкент вилояти босқичида 378 нафар хотин-қиз ўзаро баҳслашди.

Айни пайтда вилоятдаги 1 минг 823 спорт иншоотида 336 мингга яқин хотин-қиз жалб этилган. Спорт иншоотларида ташкил этилган 4 минг 854 тўғарақда 18 ёшгача бўлган 46 мингдан зиёд қиз мунтазам шуғулланмоқда.



Мусобақада умумжамоа ҳисобида Бекобод шаҳри биринчи, Юқори Чирчиқ тумани ҳамда Олмалиқ шаҳри иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

\*\*\*

Наманган вилоятида бўлиб ўтган аёллар спорт фестивалида мусобақанинг шаҳар ва туман босқичида ғолиб бўлган 220 нафар хотин-қиз 12 жамоа таркибида баҳсга киришди.

Баҳслар Учкўрғон тумани хотин-қизларининг умумжамоа ҳисобидаги ғалабаси билан якуланди. Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри вакиллари мос равишда кейинги ўринларни бўлишиб олди.

– Уй бекасиман. Айни пайтда тўрт нафар фарзанд тарбияси билан машғулман, – дейди тўрақўрғонлик Назирахон Воҳидова. – Фестивал доирасидаги мусобақалар менинг спортга бўлган қизиқшимни янада кучайтирди. Гимнастрада бўйича жамоавий чиқишимиз юқори баҳолашиб, ғолиблар сафидан жой олишимизда туман марказидаги фитнес клубида олиб бораётган доимий машғулотларимиз катта ёрдам берди.

Ўз мухбиримиз.

ИЛМЛИ ҚИЗЛАР –  
ЮРТНИНГ ИҚБОЛ ЧИРОҒИ

Тошкент шаҳридаги Сингапур меҳнатини ривожлантириш институтида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон хотин-қизларининг илм-фан тараққиётида тугган ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирга оlima аёллар, экспертлар, маънавият тарғибчилари, ўқитувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таълим ва фан йўналиши совриндорлари, "Ораста қизлар" тўғарақларнинг аъзолари тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга оид саъй-ҳаракатлар қўламини тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا муносиб топилган қизларнинг 42 нафари таълим, 24 нафари фан йўналишида фаолият олиб бормоқда.

Юртимиз бўйича олий таълим муассасаларида таълим бераётган аёл профессор-ўқитувчилар 9511 нафарни ташкил қилади. Улар орасида 234 фан доктори, 1282 доцент, 1804 фан номзоиди борлиги қувонарлидир.

Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибидаги элликка яқин илмий-текшириш институтидаги ишлаётган илмий ходимларнинг уч мингга яқини аёллар бўлиб, уларнинг аксарияти фан номзоиди, фан докторларидир. Айни кунда "Олима" уюшмаси олти академик, 500 нафардан ортиқ фан доктори, беш мингга яқин фан номзоиди ўз атрофида бирлаштирган бўлиб, улар юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бормоқдалар.

Бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган "Илм юлдузлари" интеллектуал кўрик-танлови юртимиз хотин-қизларининг илм-фан соҳаси тараққиётига ҳисса қўшишга жалб этиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб келмоқда.

Давра суҳбатида илмий фаолият олиб боришнинг тартиби ва таомиллари, устоз-шогирд аъёнлари бардавомлигини таъминлашнинг истиқболлари белгиланди. Ёш олимлар илмий излашларининг тақдирини бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

У. Турсунова,

"Оила ва жамият" мухбири

## АЗИЗ ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Зулфия номидаги Давлат мукофотига санъат йўналишида муносиб топилган 47 қизнинг ўн икки нафари рассомлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик билан шуғулланади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти тасвирий санъат йўналиши бўйича муносиб топилган қизлар ижод намуналаридан иборат "Азиз Ватан манзаралари" деб номланган кўرғазма ташкил этилди. Экспозициясидан ўрин олган юнга яқин асарда овоз ва обод Ватанимизнинг шаҳару қишлоқлари, бетакорр табиати, мезморий обидалар, муқаддас қадимжолар, ёшлар камолоти йўлидаги улкан имкониятлар ўз ифодасини топган.

Тадбир доирасида тасвирий санъатга қизиқувчи қизлар учун таниқли мусавирлар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида

# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШНАЁТГАН БУХОРО!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз томонидан корхонада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Истиқлол йилларида вилоятда енгил сановат жадал суръатларда ривожланди. Ўтган давр мобайнида вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 28 фоизини қайта ишлаш қувватига эга 12 корхона модернизация қилинди ва йилига 21,2 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлди.

Сўнгги йилларда вилоятда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар сони ҳам сезиларли даражада ортди. Улар томонидан 50 дан ортиқ лойиҳа бўйича янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятнинг экспорт салоҳиятига баҳо берилар экан, Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Қоровулбозор туманлари туризм ва экотуризмни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш ўринли. Собиқ иттифоқ даврида республикамиз истиқболли туристик йўналиш сифатида тилга олинмаган бўлса, бугун халқаро сайёҳликни ривожлантириш соҳасида юксак салоҳиятга эга мамлакат сифатида тан олинди. Мустақиллик йилларида туризм саноатини замонавийлаштириш, мамлакатнинг меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш ҳамда тармоқнинг исчилик ривожланиши учун соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича кенг кўламли

маҳсулотлар дунё бўйлаб халқимизнинг бой тарихини, маданиятини намойиш этмоқда. Натижада кўлаб ҳунармандлар аждодларимизнинг унутилиб кетаётган касб ва асрий анъаналарини давом эттириш билан бирга бундан яхшигина даромад ҳам олмоқда. Мустақиллиқнинг дастлабки йилларидаги билан ҳозирги кўрсаткичларни таққосласак, сайёҳларнинг сони ва янги кўрсатилаётган хизматлар ўн баробарга ошганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, вилоятда ички туризмни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий йил мустақиллик байрами арафасида Тошкент – Бухоро йўналиши бўйича тезорар поезди қатнови йўлга қўйилиши сайёҳлар оқими янада ошишини таъминлаши шубҳасиз.

Эътироф этиш керакки, 2009 йилдан буён қишлоқ жойларда бунёд этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги турар жой бинолари кўркам манзара касб этиш билан бир қаторда, аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishiга имкон яратмоқда. Биргина ўтган давр ичида вилоятнинг 174 массивида ана шундай намунавий уйлardan 4277 таси бунёд этилди. Эътиборлиси, жорий йилда 992 та, келгуси йилда эса 1144 та шу каби уй-жойлар қуриш бўйича ҳам ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Вилоятнинг турли ҳудудларида қад ростлаган “Қамолот” уйларида 320, “Ёшлар уйи” да 96 оила фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Олиб борилаётган улкан ислохотлар

лашмаси, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят наркология диспансери, Бухоро шаҳрида 7-оилавий поликлиника, вилоят онкология диспансери, Болалар сил касаллигига қарши курашиш санаторияси ва Қорақўл туман тиббиёт бирлашмаси тўлиқ янгидан қурилган бўлса, Пешку, Жондор, Вобкент, Ромитан, Олот, Шофиркон ва Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаларида реконструкция ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Шунингдек, Бухоро шаҳар 1-оилавий поликлиникасини янгидан қуриш ишлари бошлаб юборилганлиги ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами кенглигидан далолат.


– Улуг айём арафасида иккита умумтаълим мактабини янгидан қуриш, 22 тасини реконструкция қилиш ва 7 тасини капитал таъмирлаш натижасида вилоятдаги 31 та мактабда таълим олаётган 10383 ўқувчининг давлат стандартлари асосида замонавий шароитлар асосида пухта билим олишига кенг имкониятлар эшиги очилади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фаррух Қурбонов. – 2016 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ромитан туманидаги БЎСМга замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси ва 4 та умумтаълим мактаблари қошида янги спорт заллари, жами 5 та болалар спорт объектлари фойдаланишга топширилиши белгиланган бўлиб, бу спортчи ёшларимиз учун катта имконият эшикларини очди.

Шунингдек, қишлоқ жойларидаги 1,5 минг нафардан ортиқ ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилади. Ёш спортчиларнинг мусобақаларда қатнашиши учун янада яхши шароит таъминланади. Фақатгина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўтган йиллар давомида 96 спорт иншооти қурилди. Жорий йилда эса ушбу жамғарма томонидан яна еттига спорт объекти фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 18 та мактабга таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва замонавий техникалар билан жиҳозлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, ушбу объеклар таъмирлангани натижасида 2266 тарбияланувчи таълим-тарбия олиш шароитлари яхшиланади.

Ўята ўрта махсус, касб-ҳунар таълими объектини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш белгиланган бўлиб, ўқувчи ёшларнинг хунар эгаллашларида шароит яратиб мақсадида 120 ўқув ўринли устахоналар ишга туширилади. Шу билан бирга 200 ўринли

ётоқхона қурилади ҳамда янги 240 ўқув ўринли блокларни қайта қуриш натижасида ўқув жараёнлари замонавий синф хоналари тизимига ўтказиб ўқитилади.

Бугун турмуш даражасини юксалтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни мақсадни кўзда тутган ҳолда 2008-2015 йилларда аҳолини биргина тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, бир неча йиллар давомида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 1290,2 километр сув қувурлари янгидан ўрнатилди ва реконструкция қилинди. Шунингдек, 2008-2015 йилларда аҳолини табиий



газ таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 559,9 километр газ қувурлари янгидан ўрнатилиб, аҳоли турмуш даражаси оширилди.

2010 йилдан буён 298 километр ички йўлларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, хўжаликларро ички автомобил йўлларида, шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктлари, туман марказлари ва шаҳар посёлкаларида 2015-2019 йилларда маҳаллий бюджет ҳисобидан 425 километр ички йўллари капитал ва жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Бу эзгу ишларнинг бардавомлиги таъминланмоқда.

Мамлакатимизда темир йўл соҳасида ҳам улкан қурилиш-бунёдкорлик ишларига қўл уриляпти. Замонавий тезорар поездлар қатновининг йўлга қўйилиши аҳолининг манзилга тез ва хотиржам етиб боришига хизмат қилаётир. Бугун “Навоий-Конимех-Мискин” темир йўли қурилиши бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ушбу соҳадаги ислохотларнинг салмоғи юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида эришилган салмоқли ютуқлардан бири шубҳасиз, соғлиқни сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар, айниқса, фертил ёшдаги аёлларни мунтазам текширувлардан ўтказиш, соғлом авлодни вояга етказиш, қишлоқ жойларида тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги ижобий кўрсаткичлар билан боғлиқдир. Эндликда нафақат вилоят ёки туман марказидаги шифохоналар, балки қишлоқ ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларининг барчаси “Саломатлик-2” дастурига асосан ташхис қўйиш ва муолажа ўтказиш билан боғлиқ барча зарур тиббий анжомлар билан таъминланади.

Тинч ва фаровон юртга ярашгулик бунёдкорлик ишлари, эзгу амаллар давоми бўлгусидир. Инсон забт этган марралардан куч олиб, завқланиб яшайди. Шу нуқтага назардан қараганда бухороликлар “Кеча ким эдику, бугун ким бўлдик?” деган саволи ўзларига берганларида ғурурланишга арзирли жавоб олишлари тайин.

Бехзод АДIZОВ,  
журналист



ишлар амалга оширилди.

– Айни пайтда Бухоро вилоятида 94 меҳмонхона ва 38 сайёҳлик фирмаси фаолият юритмоқда, – дейди “Ўзбекистон туризм” миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлими бошқарувчиси Шерзод Маҳмудов. – Вилоятдаги барча меҳмонхоналар бир кунда 4500 дан ортиқ меҳмонга халқаро талаблар даражасида сервис хизмати кўрсатиш имкониятига эга. Ўтган 2015 йилда вилоятнингта ташриф буюрган 120 мингдан ортиқ сайёҳга кўрсатилган хизматлар ҳажми 53,6 млн. АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда эса 130 мингга яқин сайёҳга қабул қилиб, уларга намунавий хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда. Ўтган 2015 йилда қабул қилинган дастур доирасида вилоятда 194 та ўринга эга ўрта янги замонавий меҳмонхона ишга туширилди ва уларда 57 иш ўрни ташкил этилди. Сайёҳлар сонининг ўсиб бориши, қадимий ва навқирон Бухорога қизиқиш натижасида вилоятда қадимий ҳунармандчилик қайта тикланди. Ҳунармандларнинг кўллари билан яратилган 1000 дан ортиқ

халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, маънавий-маърифий соғлом муҳитни қарор топтиришга хизмат қилаётир, десак адашмаймиз. Сўнгги ўн йилда юксак архитектура намуналари асосида вилоятда 334 тага яқин ижтимоий соҳа объекти, хусусан, 184 та мактаб реконструкция қилиниб, 7 та мактаб янгидан қурилгани, 72 болалар спорт объектлари, 17 болалар мусика ва санъат мактаби, 30 дан ортиқ кўп қаватли аҳоли турар жой биноларининг қад ростлагани ҳам фикримиз исботидир. Қолаверса, ёш оилалар учун мўлжалланган учта кўп қаватли “Қамолот” уйларини фойдаланишга топшириш ҳам режада. Мустақиллик байрами арафасида вилоятда яна 96 ёш оила замонавий уй-жойлар билан таъминланиши кўзда тутилган.

Вилоятда кейинги ўн йил мобайнида 68 соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 13 та тиббиёт муассасаси янгидан ташкил этилди ҳамда 22 қишлоқ врачлик пункти янгидан қурилди. Жумладан, Когон шаҳрида тез ёрдам станцияси билан бирга тиббиёт бир-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлариغا бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: “Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур”, дея алоҳида қайд этилади.

Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмларини кўпайтиришда замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган корхоналарнинг аҳамияти катта. Шу боис, кейинги йилларда sanoат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар эътиборга молик. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар туфайли ҳудудларнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда, жойларда янги-янги иш ўринлари яратилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “2013-2015 йилларда Тошкент вилояти sanoат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида ўтган уч йил давомида вилоятда 1 миллиард 738 миллион АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 406 ишлаб чиқариш субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, аynи пайтда бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Олмалик шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Zartola tekstil” корхонаси турли хил гиламлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур корхона иқтисодиётимиз ривожига ўзининг муносиб улушини қўшаётган sanoат корхоналаридан бири ҳисобланади. 2009 йилда полепропилен ип ишлаб чиқаришни бошлаган корхонада 14 нафар ишчи ходим меҳнат қилар эди. Ҳаётий дастурлар шарофати билан корхонага 2013 йилда 2 миллиард 100 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилди. Дастлаб 300 нусхада гиламлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, корхона имкониятлари кенгайиб, ҳозирги кунда 1000 нусхада гиламлар тайёрланмоқда. Аynи пайтда корхонанинг полепропилен ип ишлаб чиқариш, гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш, гилам маҳсулотларига ишлов бериш цехларида 50 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

– Бугун тадбиркор биринчи навбатда ички бозор талабларини ўрганиши, дунё бозоридаги вазиятдан хабардор бўлиши лозим, – дейди корхона бош директори

# КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН КОРХОНА



Рашидхон Орипов. – Шу боис, хорижий давлатлар ҳамда ўзимизнинг кўргазмаларда иштирок этиб, янги буюртмалар олаёмиз. Ўз навбатида бу маҳсулотларимиз тури ва сифатини ошириш, янги, замонавий дизайн устида ишлашимизда қўл келмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, тадбиркорлар орасида соғлом рақобат бўлиши керак. Чунки рақобат бўлмаса, ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди. Менинг назаримда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган ҳар бир тадбиркор бугун интернет тармоғида ўз сайтига эга бўлиши лозим. Шунда қандай фаолият юритаётгани яққол кўзга ташланиб туради. Биз ҳам корхонамиз ташкил бўлган дастлабки йилдаёқ ўзимизнинг [www.zartola.com](http://www.zartola.com) сайтимизни яратганмиз. Ишлаб чиқараётган ҳар бир янги маҳсулотимиз ҳақида тезлик билан сайтга маълумот жойлаштираёмиз. Бу усул фаолият туримизни янада кенгайтиришга ҳамда хорижий ҳамкорлар билан муносабатга киришишда қўл келмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида хом ашёни чет элдан олар эдик. Бу табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархига таъсир кўрсатар эди. Бугун эса полепропилен хом ашёси юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотимиз таннархини арзонлаштириб ва экспорт имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Юртимизда тадбиркорларга қатор имтиёз ва қулайликларнинг яратилгани эртанги кунга ишонч уйротмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, бугун замон талаби бўйича тайёр ва бутловчи қисмларнинг ўзимизда тайёрланиши натижасида маҳаллийлаштириш дастури асосида ўз маҳсулотимизни ички ва ташқи бозорга олиб чиқаямиз. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз томонидан биз тадбиркорлар зиммасига юклатилган масъулиятни тўла англаб, янги-янги марралар сари дадил қадам ташлашга

Бектош ИСМОИЛОВ,  
“Оида ва жамият” мухбири

ҳаракат қилаёмиз.

Корхона ўтган йили 210 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилди.

– Ишчиларимизнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежини битирган йигит-қизлар ташкил этади, – дейди корхонанинг ходимлар бўлими бошлиғи Жаҳонгир Ҳамдамов. – Замонавий технологияларни бугун ўзимизнинг ёшлар бошқармоқда. Корхонада техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилинади. Ишчи ходимларнинг меҳнат таътили, дам олиши ва соғлигини тиклашга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, ходимларимизнинг яхши ёмон кунларида ҳар доим ёнида бўлишга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёмиз.

Цехда ҳар бир ходимнинг ўзига яраша вазифаси бор. Ишнинг асосий қисми компьютерда бажарилади. Шунинг учун диққатни бир жойга жамлаш, иш вақти туғагунча чалғимаслик зарур. Янги ишга келган мутахассислар дастлаб амалиёт машғулотларини синчиклаб ўрганишади. Бу жараёнда устоз-шогирд анъанаси асосида тажрибали цех бошлиқлари янги иш бошлаганларга бириктирилади.

– Қарийб 30 йилдан бери шу соҳада ишлайман, – дейди гилам тўқиш дастгоҳи устаси Бахтиёр Салаев. – Асли хоразмликман. Дунёга машҳур Хива гиламларини тўқиганмиз. Бизни ёшлик йилларимиз тик оёқда туришни ва кўпроқ қўл меҳнатини талаб қилар эди. Техникалар муддатини ўтаб бўлган, бажараётган ишимиз сифатли чиқиши ҳам анча мушкул эди. Ҳозир-чи, барчаси замонавий технология асосида, махсус турмалар ёрдамида бажарилади. Маҳсулот сифати ва ҳажми ҳам икки баробар юқори. Бу жиҳатдан ёшларимизга ҳавасим келади. Чунки улар мустақиллик шарофати билан ана шундай замонавий технологияларда меҳнат қилишмоқда.

– Касб-ҳунар коллежини битириб шу корхонага ишга жойлашдим, – дейди тикувчи Дилрабо Мирзаева. – Дастгоҳдан чиққан гиламлар четига махсус ускунада ишлов бериш билан шуғулланаман. Ишим ўзимга ёқади. Корхонамида ишчилар учун барча шарт-шароит яратилган.

Дарвоқе, корхонада иш қизгин. Мустақиллик шарофати билан ўзини тўла шакллантириб, тўлиқ имкониятлар асосида фаолият юритаётган корхона улкан ютуқлар билан келажак сари дадил одимламоқда.



Мулоҳаза учун мавзу

# ЎЙИНЛАР ОРТИДАГИ “ЎЙИНЛАР”

ёхуд маккор стратегиядан огоҳмизми?

*Гоялар, мафкуралар кураши тобора авж олаётган бир пайтда инсон қалбига, онгу шуурига таҳдид кундан-кунга кўпаймоқда. Глобаллашув кўланкаси остида кириб келаётган турли ёвуз гоялар, ахборот оқимлари асосан ёшлар онгини бузишга қаратилгани билан хатарлидир. Қўпорувчилик, ваҳшийлик, шафқатсизлик ва худбинликни тарғиб қилувчи айрим компьютер ўйинлари ҳам аслида ана шундай маккор стратегиянинг маҳсулидир.*

ишлаб чиқарилмоқда? Бундан кўзланган мақсад нима?..

– Албатта, биринчи навбатда фойда турибди, – дейди филология фанлари номзоди Улуғбек Саидов. – Лекин чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу шунчаки юзадаги манфаат, холос. Аслида, бундай ўйинлар ортида бутун бошли халқларни, миллатларни ўз маънавий илдзларидан айириб, манқуртлаштириш мақсади яширилган. Мана оддий компьютер ўйинлари ортида қандай стратегик мақсадлар ётибди.

Мутахассис -

Аслида, ҳар бир ўйин тагида маълум бир гоя, мафкура бор. Масалан, “Жамоалар уруши” деган ўйинни олайлик. Унда бола турли китобларни оёқ ости қилиш орқали кейинги босқичларга ўтиб боради. Энг аянчлиси, фарзандларимиз “топтаб” ўтаётган ўша китоб Қуръони Каримдир. Мана, кўпчилигимиз оддий ўйинда, деб қарайдиган воситалар орқали қандай гоялар сингдирилмоқда?

Шафқатсизликка қурилган компьютер ўйинларига ҳаддан зиёд берилиш бола руҳиятига, соғлигига ҳам жиддий таъсир ўтказиши.

– Биринчидан, болада совуққонлик, бепарволик шаклланади, – дейди психолог Чарос Мирҳолиқова. – Бора-бора у жамиятдан узилиб, бегоналашиб боради.

Виртуал олам қулига айланади. Бундай болаларда шафқатсизликка мойиллик кучаяди.

Инсон руҳий ҳолатига таъсир жихатидан ичкиликбозлик ва наркоманиядан кам зарар етказмайдиган бундай компьютер ўйинларига ружу қўйиш – киберлудоманияни дунё олимлари аллақачон хавфли касалликлар рўйхатига киритиб бўлган. Тўғри-да, виртуал дунёда кимнидир ўлдириб, шаҳарларни вайрон қилиб, катта-катта биноларни портлатиб лаззат олаётган бола реал оламда ким бўлиб улғаяди?

Болаларда ваҳшийликка, қонхўрликка мойиллик уйғотувчи компьютер ўйинларига муккасидан кетишининг аянчли оқибатларини тез-тез эшитиб, кўриб турибмиз. Аммо негадир хулоса қилишга шоялмаймиз.

Психологлар фикрича, вояга етмаганлар ўртасидаги турли жиноятларнинг бир учи айнан компьютер ўйинларига бориб тақалади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бола онгу, руҳиятига шунчалар салбий таъсир этар экан, унда нега ушбу ўйинлар

да олиб борилаётган чора-тадбирлар ижобий самара бераётгандай. Аммо негадир интернет-клублари ва компьютер ўйинхоналарига вояга етмаган болаларнинг келиши кўпайсакўпаймоқдаки, камаймаяпти.

– Мана ҳозир дарсимни ташлаб, ўқувчиларимни ахтариб компьютер ўйинхонасига келдим, – дейди тегишли ташкилотлар билан ўтказилган рейд давомида исмини ошкор этишни истамаган педагоглардан бири. – Биз қанча ҳаракат қилмайлик, болаларни қайтаришга кучимиз етмайпти. Аслида ҳамма гап компьютер ўйинхоналари хўжайинларида: дарс вақтида ўқувчиларни киритмаса, улар ҳам келмайди. Балки тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга нописанд қараётган компьютер ўйинхоналари хўжайинларига қаттиқроқ чора кўриш керакдир?

Чиндан-да, бугун айни шу мавзуда баҳс кетганда одатда кимдир

технологиялари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази бош мутахассиси Фахриддин Солиев. – Қолаверса, бу борада Ташкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинган ва унга кўра дарс пайтида ўқувчиларни интернет кафе, компьютер ўйинхоналарида ўтиришига рухсат бергани учун интернет кафе, компьютер ўйинхоналари мутасаддиларига нисбатан муайян жавобгарлик белгиланган.

Қонунлар бор экан, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилатган экан, унда нега муаммо муаммолигича қолмоқда?

– Сабаби айрим ишлар қуруқ қоғозбозликка, тадбирбозликка айланиб қолмоқда, – дея куйиниб гашида давом этади Улуғбек Саидов. – Афсуски, орамида ҳисобот учун номигагина ишлайдиганлар ҳам бор. Тўғри, бундайлар кам, аммо бор. Очиги, бундай ишлагандан ишламаган яхши. Чунки бу ишлайдиганлар ишига ҳам салбий таъсир ўтказиши.

Ҳа аччиқ, аммо ҳақ гап. Тадбирларда, давраларда тарбия ҳаммининг иши, бунга барчамиз масъулмиз деймиз. Аммо, юқоридаги каби ҳолатларга аввало ўзимизнинг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлмаяптими?

Қолаверса, масала фарзанд тарбияси, юртнинг эртаси ҳақида борар экан бу лоқайдлигимиз тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келмайдими? Демак, ўз эртасини ўйлаган ҳар бир миллат, давлат бу масалага жиддий эътибор қаратиши, олдини олиш чораларини кўриши шарт. Хўш, юқоридаги каби ҳолатларни камайтириш, бутунлай бартараф этиш учун яна нималар қилиш, қандай чораларни қўллаш керак?

– Ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, компьютер ўйинхоналарини очишга рухсат берадиган ташкилотлар фаолиятини янада тақомиллаштириш лозим, – дейди Фахриддин Солиев. – Қолаверса, ёшлар учун ҳар томонлама фойдали, қизиқarli миллий ўйинлар яратишга жиддий эътибор қаратишимиз керак. Чунки муаммонинг бир учи айни шу борадаги ишларнинг қониқarli эмаслигига бориб тақалади.

Албатта, булар шунчаки таклиф. Уларни амалга ошириш эса тегишли мутасаддиларнинг қанчалик жонкуярлигига боғлиқ. Яна ҳам аниқроғи ҳамма гап хоҳиш ва истақда. Хулоса қилиб айтганда, дунёда ёшлар қамолди, улар келажаги учун қайғурмайдиган миллат, жон қойитмайдиган давлат топилмас керак. Зеро, ёшлар миллат давомчилари, юрт эртаси, давлат таянчи. Бугун биз тахлил қилган муаммо ҳам бевосита юртимиз келажаги бўлган ёшлар тарбияси, миллатимиз ўзлигини, маънавиятини асраб қолиш билан боғлиқ. Демак, бу ҳар биримизга дахлдор масала. Ёшлар онгини бузишга қаратилган ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш эса ҳам миллий, ҳам фуқаровий, ҳам маънавий бурчимиздир.

Назарали ТИЛЛАЕВ,  
журналист



Бугуннинг гапи

# ҚИЗИНГИЗГА ВАҚТ

**Бир танишим қизининг бўй етган сари қайсар, ўжар бўлиб бораётганини айтиб полиди. Унинг айтишича, қизи ўқишдан кўра ўйин-кулгунни афзал билармиш. Латтапараст бўлиб бораётганмиш. Боши қотган она қизини уйдан чиқармай қўйибди, ҳатто ўқишга ҳам юбормасликнинг чорасини топибди. Бироқ коллеж маъмурияти, устози эшик тақиллатиб келавериб, “жонига текканмиш”.**

## АЖРАТАСИЗМИ?

билмайман. Мен ҳам ота меҳридан, ҳам онам ёнимда бўлса-да, унинг муҳаббатидан маҳрум бўлган қизман. Ким билан дардлашишни, кимга юрагимни очишни билмайман. Дугоналаримга айтмай десам, қай бири чинакам дўстим эканини билмайман. Ахир улар менинг дардимни ҳеч бўлмаганда опаси ё сингисига ёки онасига айтиб қўймаслигига ким ишонади? Менинг эса сирлашадиган ҳатто опам ҳам, синглим ҳам йўқ...

— у кўз ёшларини тутиб туролмади. Мен унга нима деб далда беришни билмасдим. Вироз ўзига келгач, гапида давом этди:

— Онамдан бир неча бор: “Нега менга вақт ажратмайсиз?” деб сўраганимда, у киши мен учун ишлаётганлигини, вақт ажратмаётгани учун ҳам еганим олдимда, емаганим ортимда эканини, менга вақт ажратиб гаплашиб ўтирса, пулни ким топишни айтиб, ортиқча эътирозга ўрин қолдирмасди. Лекин менга онамнинг пули эмас, озгина меҳри керак, холос. Майли, шоҳона яшамайлик, шоҳона емайлик, бироқ ўртамизда она-болага хос меҳр-оқибат бўлсин... — қиз чуқур хўрсиниб давом этди, — Онамнинг кўзларини очиб учун ўқишни ташладим, аввалгидек ўқиб-ўрганишга эмас, ўйин-кулгуга вақтимни сарфлай бошладим. Бироқ ёмон қизларга қўшилмадим, фақат онам ўзгарганимни пайқармикан, деган ўй билан унинг кўз ўнгига ўзимни ўжар ва қайсар, кўча қизига айланиб қолаётгандек тутиб кўрмоқчи бўлгандим. Демак, ниятимга етдим. Ҳеч бўлмаса, онам менинг ўзгарганимни билибди-ку, мен ҳақимда озгина бўлса-да, қайгурибди-ку, демак, мени яхши кўраркан...

Қизга онаси уни жуда яхши кўришини, унинг учун қаттиқ қайғураётганини, ўйлаганлари хато



эканини айтиб, дилини ёмон фикрлардан тозалашга уриндим. У ҳам албатта, яна аввалгидек ўқишни давом эттиришини, энг асосийси, жамиятда ўз ўрнини топиб, оилани бўлганида фарзандларидан ҳеч қачон оналик меҳрини аямаслигини таъкидлади...

Кейин қизнинг онаси билан суҳбатлашишга ошиқдим. Она бўлмишининг гапларини тинглаётиб, қароқлари ёшланганини кўрдим:

— Эҳ... Она бўлмай кетай, фарзандимнинг шунча ҳасрати, дарди бор экан-а... Мен эса ёлғиз бошим билан болам ўртоқларидан кам бўлмасин, деб елиб-югурибман-у, унинг юрагига қўл солмабман. Унинг кўнгли билан қизиқмабман. Қизимга отаси қилиши керак бўлган кам-кўстини ўйлабман-у, онаси бўла туриб оналик меҳримни аябман-а...

Орадан анча фурсат ўтиб, тасодифан кўчада қиз билан онасини учратиб қолдим. Улар бир-бири билан шундай берилиб суҳбатлашиб кетардиларки, ҳатто атрофдагиларни пайқашмасди...

\*\*\*

Қиз боланинг энг яқин сирдоши, дарддоши аслида унинг онаси. У бирор муаммонинг ечимини топа олмаётган бўлса, албатта, она энг тўғри маслаҳатни беради. Лекин юқоридаги ҳолат мисолида қизларимиз қандай йўл тутишлари мумкинлигига, бу уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишига гувоҳ бўлдик.

— Қиз боланинг ҳиссиётлари ўғил болаларникига қараганда кучлироқ бўлади, — дейди психолог Гулчехра Муллажоновна. — Уларнинг ён-атрофидаги воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳам кўпроқ кўнгли измидан чиқмайди. Айниқса, ўсмирлик даври қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор талаб қилади. Бу борада оналаримиз қизларига ҳар доим энг яқин сирдош, уни доимий тушунгувчи инсон сифатида ўзларини намоён этишлари керак. Онанинг далдаси, тақини, эркалаши, суйиб-ардоқлаши қизлар учун ҳар нарсадан азиз эканини унутмаслик лозим. Она қизига етарлича эътибор қаратолмаса, меҳр бермаса, муаммолари билан қизиқмаса, фарзандида “онам мени яхши кўрмайди” деган нотўғри тушунча шаклланиб боради.

Ва табиийки, фаранд тасқинни, дарддошни кўчадан излай бошлайди. Бу эса кўп ҳолларда тарбия мезонларининг бузилишига ҳамда салбий оқибатларга олиб келади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун, энг аввало, қизингизга вақт ажратинг, унинг қувончини баҳам кўринг, муаммоларини биргалликда ҳал қилинг. Асосийси, у сира ёлғиз эмаслигини, ҳамisha ёнида эканингизни ҳис қилсин.

\*\*\*

Қиз бола гул янглиғ нозик хилқат. Унинг тарбияси эса ўзидан-да нозикроқ. Жаҳжи қизингиз кўғирчогини ўйнаётганда ҳеч эътибор берганмисиз? У ўйинчоғига “она” бўлиб ўйнашини, гапиришларини, танбехларини бир кузатинг. Ана, сизнинг яққол сиймонгиз — унинг хатти-ҳаракатларида беихтиёр ўзингизни, сўзлашингизни ва ҳатто қизингизга берадиган танбехингизни кўрасиз... Қизингиз бу “рол”ни шундай берилиб ўйнайдими... Хуллас, ортага кеч бўлмаслиги учун ҳам бугун уларга вақт ажратайлик. Уларнинг кўнгли, қизиқишлари, муаммолари билан қизиқайлик...

Зилола РАҲМОНОВА

**Мустақиллик тенг-дошларим — Ўзбекис-тон ёшлари каби менга ҳам кўплаб имкониятлар эшигини очиб берди. Аввало, буюк аجدодларимизни танитди, уларнинг бой маънавий меросини, миллий қадрият ва анъаналаримизни ўргатди.**

Мақтаб ва коллежда олган билимларим олий ўқув юртига ўқишга киришимда қўл келди. Ҳатто бугун иш фаолиятимда асқотмоқда.

Психология фани бўйича докторлик ишини бошлаш арафасидаман, ишонаманки, илмий фаолиятим билан Ва-танам равангага оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшаман.

## БАХТИЁР ЭЛНИНГ БАХТИ БОР ҚИЗИМАН



Мустақиллик менинг маъдиримда

Мустақиллик мустаҳкам оила қуришимга, соғлом фарзандни дунёга келтиришимга мустаҳкам асос яратди. Оиладagi соғлом маънавий муҳит аёллик бахтини, тиббиёт соҳасида аёллар учун яратиб берилган шарт-шароитлар — замонавий тиббий хизмат, ҳомиладор аёлларга қўрсатиладиган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, скрининг марказларининг ташкил этилгани оналик бахтини ҳис қилишимга ёрдам берди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониға мувофиқ биз ҳам ёш оилалар

қаторида ана шу имкониятдан баҳраманд бўлдик. Бугун ўз уйимиз бор.

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашни қон-қонимизга сингирган. Зотан, Президентимиз “Юсак маънавият — энгилмас куч” асарига таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг нанки асосий вазиғамиз, балки инсоний бурчимиздир.

Замира БИЛОЛОВА, Республика “Оила” илмий-амалий маркази “Оила психологияси” бўлими илмий ходими

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ 2016 йил — Соғлом она ва бола йили



“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу бордада қулай таъкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қонда ва меъёрларни ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, унда 15 норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш назарда тутилган. 2016 йилда Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган 90 га яқин тадбир учун жами 7483,3 миллиард сўм ва эквивалентда 194,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилиниши адлия органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бинобарин, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш давомида, “Соғлом она ва бола йили” Давлат ва тармоқ дастурларида назарда тутилган тадбирлар ижросини тўлиқ таъминлаш, норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва Давлат дастурида белгиланган янги қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, никоҳга кирувчи шахслар ўртасида никоҳга киришга қадар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни зарурлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, оилаларда соғлом турмуш тарзини юритиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича

тиббий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш муҳим вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси ҳамда ФХДБ органлари томонидан мунтазам равишда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантириш, эрга ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш – туғма ва ирсий касалликлар манбаи эканлиги тўғрисида учрашув, давра суҳбатлари, мулоқотлар олиб бормоқда.

Жумладан, Зафаробод тумани ФХДБ бўлими томонидан жорий йил давомида давлат дастури доирасида тумanning чекка ҳудудларида хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими, маҳалла жамғармаси билан ҳамкорликда 25 марта давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилди.

Ўтказилган тадбирларда оила муносабатлари, қонуний оиланинг аҳамияти, унда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қариндошлар ўртасида тутилган фарзандларнинг келажаги ва соғлиги борасида аҳолига содда ва тушунарли тарада, ҳаётий ми-

солларни келтирган ҳолда, буклетлар тарқатилмоқда.

Шунингдек, маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда эрта никоҳ, қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳларни олдини олиш мақсадида кенг жамоатчилик иши йўлга қўйилган бўлиб, қариндошлар ўртасидаги никоҳлар тузилаётганидан хабардор бўлган ҳолларда, маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, келажак фарзандлари соғлигига таъсири борасида, наинки ёшларга, балки ота-оналарига ҳам тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Ана шундай тушунтиришлар натижасида туманда ўндан ортиқ эрта никоҳнинг олди олинди.

Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни тарбиялаш – нафақат давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларнинг вазифаси, балки келажак олдидаги масъулиятни ҳис қилган оила, ота-она, қолаверса, ҳар бир шахснинг асосий ва доимий бурчидир.

Гулзода ХАЙДАРОВА,  
Зафаробод тумани ФХДБ бўлими мудири

Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Гайрат” қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 14 минг 600 дан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Йигирмага яқин тиббиёт ходими меҳнат қилаётган муассасанинг қабул, диагностика, кундузги стационар, лаборатория хоналарида беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Касалликлар профилактикаси, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш муассаса ходимларининг доимий эътиборида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ  
(сурат), ЎзА

“Оила ва жамият” газетасининг 23-сонидаги “Фолбинлар афсонаси ростми?” мақоласини ўқир эканман, бу ҳақда бирор фикр айтмасликдан ўзимни тўхтама олмадим, очиги. Аввало, фолбинлар “равнақ топиши” учун атрофида лақмалар ва лоқайдлар бўлиши шарт. Аслида, фолбин ҳам сизу бизга ёхшаш оддий одам. Алоҳида қобилияти ҳам, алоҳида сезирлиги ёки ўткир ақли ҳам йўқ. Фолбинлар ҳамма миллатда бор. Ҳамма замонда бўлган. Сабаби – юқорида айтганимдек ҳамма миллатда, ҳамма замонда лақмалар топилади.

... Киш кунларининг бири эди. Эшик тақиллади. Чиксам, икки аёл совуқда дийдираб турибди. Мендан бир пиёла чой сўрашди. Уйга олиб кириб, меҳмон қилдик. Аёллар овқатланиб бўлгач, бизни гапга тута бошладилар. Уларнинг фикрича, ҳовлидаги гилоснинг тагига биздек яхши инсонларни кўра олмай-диганлар “иссиқ-совуқ” қилиб кўмиб қўйишганмиш. Меҳмоннавозлигим эвазига улар ушбу тугунчани олиб ташлашармиш. Жаҳлим чиқиб кетди. Ҳозиргина кўчада совуқдан дийдираб турган бу аёллар иссиқ хонадондан қоринни тўйгазиб олгач, мени лақиллатмоқчи бўлишарди. Мен бундай нарсаларга ишонмаслигим, ҳар бир воқеа Аллоҳ томонидан юзага келтирилиши, инсонлар ўз ҳолларича ҳеч нарса қила олмасликлари ҳақида ўз фикримни уларга баён қилдим-да, сўнг уларни уйимдан қувиб-солдим. Аёлим эса бироз иккиланди. “Биз-

## ПАҚМАЛАР УЧУН ТУЗОҚ

дан нима кетди, келинг, гилоснинг тагини текшириб кўрайлик...” деганича қолди.

Дарахтларнинг ичида гилос энг нозик дарахт. Қуриб қолиш эҳтимоли юқори. Балки “ақли” аёллар шуни назарда тутишгандир. Вир неча йилдан сўнг ўша дарахт қуриди. Аёлим: “Ана, кўрдингизми? Фолбинларга ишониш керак эди”, деди. Агар ишонганимизда, балки бошқа дарахтлар тагидан, ҳаттоки, остонам тагидан, Худо билди, нималарни “топиб” қўлимга беришарди. Натижада қанча маблағни туя қилиб кетган бўлишарди. Демак, бу ўринда эркакларимиз бироз қатъиятли, бироз мушоадала бўлишларини маслаҳат берадим.

Қанчадан-қанча одам алданган бўлишларига қарамай, бу мавзудан гап очилса, ҳамма жон деб қўшилиб кетади. Ҳатто фолбинликни ёқлайдиган, фолбинларни ҳимоя қиладиганлар ҳам топилади.

Ҳамшираларга математика фанидан оғир бир мавзуда дарс ўтаётган эдим. Талабалар толиқшган, кўнгирикни орақиб куттишарди. Дарс

ЭСЛАТМА: 23-сон, 8.06.2016



Фолбинлик, сеҳр-жоду билан одамларни алдаш ва алдов орқали кишилардан пул ва шунга ўхшаш моддий нарсаларни таъма қилиш фарибгарлик ёки товламачиликка кирди. Агар шахс фолбинлик ёхуд сеҳр-жоду йўли билан одамларни алдаб юрган кимсалардан жабрлангани ҳақида тегишли ҳуқуқий муассасаларга мурожаат қилса, фолбинлик қилиб юрган товламачига қонун доирасида чора кўрилади. Етказилган зарар жуда катта миқдорда бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади.

туғашига ҳали чамаси ўн дақиқача вақт бор эди. Шунда миямга бир шум фикр келди. Қолган ўн дақиқани жонли, қизиқарли ўтказиш мақсадида

### Акс-садо

қизлар тақдирини, айниқса, яқин келажагини айта олишимни уларга билдирдим.

Биринчи столда ўтирган талабанинг қўлидаги чизиқларига маъноли боқиб, у ҳақда билганларимни тўкиб солдим ва икки ойдан сўнг тўйи бўлишини ҳам кўшиб қўйдим. Аудиторияда жонланиш. Қолган қизлар ҳам ўз тақдирларини билишга қизиқиб кетишди.

Шу аснода яна бир талабани ўз “фолбинлигим”га чипча-чип ишонтирдим. Дарсдан чиқишга кўнгирик чалинди, аммо ҳеч ким кетгиси келмасди. Шунда мен уларни алдаганимми, аслида, ярим йил давомида улар феъл-атвори ва руҳиятидаги оилани яхши билиб олганлигимдан фойдаланганим, қолганлари ёлғонлигини айтдим. Бу гапларимга улар заррача эътибор беришмади. Аксинча, мени ҳам алданг, менга ҳам ёлғон сўзланг”, дея ўнлаб талабалар қўлларини чўзишарди. Шу кун одамларни лақиллатиш осон ва улар рост гапдан кўра ёлғонга мойил бўлишлигига амин бўлдим. Демак, фолбин ўз ёлғонини муваффақиятли амалга ошириш учун атрофида ишонувчан, лақмалар бўлиши керак. Агар бу лақмалар бошига бирор мусибат тушган бўлса, ёки бирор қимматбаҳо нарсасини йўқотган, ё бўлмаса ҳозирги яқин кунини кимдир кўра олмай-диганига ишонса – фолбин учун тайёр “ўлжа”га айланади.

Севимли газетамиз саҳифасида бу каби мавзунининг ёритилиши айни мудио. Кўпчиликнинг ақли ва тафаккурини юксалтирмай, улардан мулоҳаза ва мушоадада қобилиятини ривожлантирмай туриб, бу каби фарибгарлар домидан қутула олмаймиш. Ахир, одамларни лақиллатиш фолбин учун тиркичилик, яшаш воситаси-ку? Бунга изи бермаслик эса ўзимизга боғлиқ.

Ҳамдам ТҲҲИЕВ,  
ўқитувчи

**Болалик хотиралари ёдимга тушганида юрагим алланечук орзиқиб кетади, бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлади. Бобомни, бувимни соғинаман. Бувим айтган лапарлар, бобомнинг ўғитлари хаёлимда айланаверади...**

Ҳаммасидан ҳам бобом ва бувим бошчилигида аҳил-иноқ яшаётган катта оилани жуда-жуда соғинаман. Бизнинг оилада барча муаммо ва ташвишлар ўртада, бамаслаҳат ҳал бўлар эди. Катта ҳовлида кичкина қувонч ҳам катта байрамга айланар, катта муаммолар эса кичрайиб қоларди, гўё. Бу ҳовлидан бўлак чиқиб кетаятганимизда мен – бобоси ва бувисининг эркатойи, эндигина 5 ёшга киргандим. Ушанда мени янги ҳовлига кетишга чоғланган, кўч-кўронларимиз ортилган машинага чиқариш учун нақ 20 киши овора бўлишган. Янги уйга боргач, фурсат топилди дегунча катта ҳовлига – бобом ва бувимнинг ёнига қочиб келардим. Нимагадир ота-онамдан кўра, бобом ва бувим мени яхшироқ тушунишадигандек туйларди. Улар мени тинглар, мен билан гаплашар эди.

Орадан йиллар ўтиб, фарзандларимни олиб, ота-онамни кўргани Бухорога борганимда бир ҳолат яна менга болалигимни эслатди. Қизим бобоси билан бувисига бир нималарни шошиб-пишиб гапирар, улар эса гапини бўлмасдан, диққат билан тинглашар, кейин эса унга куйиниб нималарнидир тушунтиришга ҳаракат қилишарди. Ажабки, итоаткорлик билан катталарнинг сўзига қулоқ солаётган қизимнинг эътибори ҳайратимни оширди. Жуда ҳам таъсирландим. Вейхтиёр мени тарбиялаган меҳрибонларимни эслардим.

Оила ташвиши ва турмуш иккичирлар билан банд ота-она фарзанд учун доим ҳам вақт ажратиш имконига эга эмас. Ўригидан данаги ширин, дейдиган бобо ва бувилар эса неваралари учун ҳар қанча вақт керак бўлса, ажратишга тайёр турадилар, уларга одамлилик, оила тарихи, урф-одатларимиз, ҳаётдан сабоқ берадилар.

Замон ёки одамлар дунёқараши ўзгарди, деган фикрни кўп эшитамиз. Бугун ёшлар турмуш қурди дегунларича алоҳида яшашга интилишади.

# КАТТА ҲОВЛИ



Бундайларга қараб ҳеч бўлмаса фарзандингизга раҳмингиз келсин, дегим келади. Вақтимизнинг аксарият қисмини ишда, телевизор қаршида, телефон ва интернет тармоғида ўтказаятган бир пайтда бобо ва бувимнинг тарбияси – фарзанднинг энг катта эҳтиёжидир. Уларни бу бебаҳо неъматдан айрманд, катта ҳовлига тез-тез олиб бориш.

## Бобомдан юққан фазилат

“Ким билан ўсгансиз, ўғлим?” – дея сўради ёнимда ўтирган отахон ёғли бармоқларини ҳафсала билан сочиққа артаркан. “Бобом билан”, – дедим саволдан ҳайронлигимни ифодалаш учун отахонга бироз тикилиб. “Ўзим ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйлардим”, деди отахон. Ҳайратим ошди.

Саволнинг маъини анчадан кейин Бухорога – уйга борганимда, бобом билан эрталабки нонушта маҳали суҳбатлашиб ўтирганимда англадим. Суҳбат асносида бобом иккимизнинг дастурхондан ушоқ териб ейишимизни ҳайрат билан кузатиб турган жинимнинг ҳолати ўша отахоннинг нигоҳини эслатди.

Ҳа, дастурхондан ушоқ териб ейиш менга бобомерос фазилат...

\*\*\*

Бундан бир неча ой бурун бувимни туғилган кунлари муносабати билан уйга борганимда бобомни ҳовлида китоб ўқиётган ҳолда учратдим. Саксон ёшга етиб қолган бобомнинг кешининг жонсиз қуёш нурулари тафтида берилиб китоб ўқиётганини кўриб,

завқим келди. Бирпас адабиёт ҳақида суҳбатлашдик. Кечагидек эсимда, саккиз ёшимдан бошлаб бобом буна бўлган “Шарқ юлдузи” журнаlining янги сонини интиқ кутар эдим.

Болалик йилларимни адабиётнинг гўзал туйғулари, зиёси билан мазмулли ўтишига сабабчи – бобомнинг китобга ошнолиги, унинг менга қилган энг катта совғаси бўлганига шубҳам йўқ.

## Бобомнинг ўғити

...Метро вагонларининг шошқалоқ эшиклари ёпилиб улгурмасидан мармар платформага қадам ташладим. Саноқсиз туюлган зиналар орқали юқорига кўтарилиб, ер ости йўлида қўлтиқтайёққа суяниб олган, одамларга жонсарак кўзини тикиб, жулдур чопоннинг йиртиқ енглари орасидан чиқиб турган кафтини узатаётган кекса тиланчига дуч келдим.

Чойчакам йўқлиги туфайли ундан кўзимни олиб қочиб ўтаётган эдим, оёғи остида турган яғир сумкасининг бир четидан кўриниб турган китоб эътиборимни тортди. Бобомнинг “Китоб ўқийдиган ёшим – яхши инсон”, деган ўғитлари ёдимга тушиб, орқага қайтдим. Чўнтагимга тикиб, қўлимга илинган пулни ҳаммасини тиланчи китобхонга узатдим.

## Ибрат намунаси

Менинг бобом – Абдурахмон ота дунёдаги энг яхши бобо. Донишмандлар эртақларда қолган деб ким айтди? Донишманд бизнинг боболаримиз киефасида ёнимизда яшайди. Бобом-

## Уйғоқ хотиралар

нинг бундан узоқ йиллар бурун айтган ибратли ҳикоялари, доно фикрлари бугун ижодкор ўғил тилидан қоғозга тўкилатган бўлса, ажаб эмас. Бугун узоқда туриб, уларни ўйлаганимда куйидаги ибратли ҳикоя ёдимга тушади. Воис, улар мен учун чинакам ибрат намунаси бўлган.

## Ота-она ибрати

Доктор Абдул Қалам, жамоат арбоби, Ҳиндистоннинг 2002-2007 йиллардаги президенти:

– Инсон камолотида унинг атрофидаги одамларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, гапирётган сўзлари муҳим тарбия воситасидир. Болалик хотираларим орасида ота-онам билан боғлиқ қуйидаги воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди.

Ўшанда чамаси 6 ёшлардаги бола эдим. Онам машаққатли иш кунидан қайтиб, ҳар кеч биз учун нон пиширар, ош-овқат тайёрлар эди.

Бир кунги вақт алламаҳал бўлган, ишдан ҳориб қайтган оназорим доимгидек шоша-пиша кечки овқат килаётган эди. Бироздан кейин у отамнинг олдида овқат ва нон қўйди. Менинг икки кўзим нонда эди. Кимдир ноннинг куйганига эътибор берармикан, деган ҳаёлда куйиб турдим. Лекин отам чети қорайган нонни индамасдан чайнади ва мендан мактабда куним қандай ўтганини сўради.

Унга қайтарган жавобимни эслай олмасам ҳам, овқатдан кейин волидамнинг отамга нон бироз ўтиб қуйиб кетганини минг хижолат билан айтгани кечагидек қулоғим остида. Отам ўша кунги жилмайиб туриб, онамга “Азизам, куйган нон менга ёқади-ку,” деди.

Ухлашдан олдин отамга хайрли тун тилаш учун унинг олдига кирдим ва ундан куйган нонни ростдан ҳам яхши кўриш-кўрмаслигини сўрадим. Отам мени бағрига босиб, қаттиқ кучоқлади.

“Ўғлим, онанг кун узоқ ишлаб, жуда чарчаган. Бир марта куйган нон есам, менга бирор нима бўлмайди. Лекин, ўша маҳалда айтилган биргина ёмон сўз онангни қаттиқ жароҳатлаган бўлар эди”, деди.

Биз барчамиз хом сут эмган бандаларимиз. Аммо, биз – ёши катталар айниқса, ёнимизда улгайиб келаётган ёш авлод учун ҳар бир ҳаракатимиз тарбия эканини унутмайлик.

Шухрат САТТОРОВ

## ЁШ ОИЛАЛАРГА “КАМОЛОТ” УЙИ

Андижон шаҳрида 48 ёш оила учун барпо этилган “Камолот” уйлари фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиегатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чораталбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида вилоят марказининг Бўстон

дахасида қурилган бу уйлар ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида берилди.

– Бугун оиламиз ҳаётидаги қувончли, унутилмас кун бўлиб қолиши шубҳасиз, – дейди бокс бўйича икки карра жаҳон биринчилиги совриндори Жасурбек Латипов. – Давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай юксак эътибордан ота-онамиз, яқинларимиз ҳам хурсанд.

Зухриддин УМУРЗОҚОВ  
(сурат), ЎЗА



**Оила ва жамият**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газета

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар  
қўмитаси, “Болалар ва  
оилаларни қўллаб-қувватлаш”  
ассоциацияси (Болалар  
жамғармаси) ва “Соғлом авлод  
учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:  
Воҳид Луқмонов

Обуна  
индекси – 176

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент – 100000.  
Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)  
233-28-20, Котибият:  
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@sakor.uz

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Бюрогма Г – 836. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 4093. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Бош навбатчи: О. Жумабоев  
Навбатчи: И. Сиддиқов  
Мусахҳих: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов  
Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди

ISSN 2010-7609



1235